

Мамлакатимиз терма жамоаси кик-бокс бўйича Грецияда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатидан олтин медал билан қайтди.
-Бу галги чемпионатда кик-бокс олтита мамлакат спортчилари иштирок этишди...



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 22 май, чоршанба №82 (1299)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИНВЕСТИЦИЯ, ИНВЕСТОР ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Адлия вазирлигида Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий фаолият ва хорижий инвестициялар департаменти, Молия ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари ҳамда Америка юристлар уюшмаси, Япония халқаро ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокида хорижий инвестиция ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Иқтисодиётимиздаги муҳим юксалишлардан бири, бу - мулк шаклининг ўзгариши, бир сўз билан айтганда, хусусий тармоқнинг ривожланиши хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизга қизиқишини кучайтирмади.

Дунёнинг кўп қисми молия ташкилотларининг айнан хусусий тармоқни ривожлантириш учун инвестиция қилишига тайёр экани ҳам республикамизда амалга оширилган хусусийлаштириш сиёсатининг нечоғли тўғри йўлда эканидан далolat беради.

Дарҳақиқат, иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида бугунги кунда мамлакатимизда тегишли шарт-шароит яратилган. Шунга қарамай, ўтган йили жалб этилган хорижий инвестициялар умумий ҳажмидан фақат 13,4 фоизи иқтисодиётга бевосита киритилди.


Мамлакатимизнинг 31 та туманида хорижий инвестициялар иштирокида ҳалигача бирорта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаган. Ҳолбуки, фойдаланилмай ётган бой ресурсларимизни шу йўл билан ўзлаштириш иқтисодиётимизнинг гуллаб-яшнашида муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Бунинг учун эса

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, жойларда мавжуд хомашё ҳисобига ишлайдиган қўшма корхоналар очилиш бўйича қабул қилинган дастурларнинг бажарилишини таъминлаш зарур.

Таъкидлаш жоизки, хорижий сармояни жалб қилиш ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки қонун юртимизда 1991 йилнинг июни ойида қабул қилинган эди. 1992 йилда эса мазкур қонунга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Амалдаги қонунчиликда инвестицион фаолият юритиш борасида ҳуқуқий асослар мавжуд. Лекин иқтисодиётнинг юксалиб бориши ва кўлами бу борада янада мукаммал ҳуқуқий асослар яратишни тақозо қилапти. Бугунги кунда республика бозорларида хорижий сармояни жалб қилиш, хорижий инвесторлар фаолиятини тартибга солишчи миллий қонунчиликни мукамаллаштириш инвестицион иқлимни янада яхшилашга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам анжуман иштирокчилари инвесторларнинг ҳуқуқ, кафолат ва имтиёзлари бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, хорижий банклар ва бошқа чет эл молиявий институтларининг кредитларини республикамизга инвестиция сифатида жалб этиш, қўшма корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий муаммолари билан боғлиқ қиёшларда шу йўналишда ҳал этилиши зарур бўлган масалаларга кенг тўхталди. Шу билан бирга, анжуманда хорижий инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган амалдаги қонунчиликка ўзгаришлар киритиш концепцияси лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.



Яқинда чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи «Доктор Обидий фарм» корхонаси

фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда асосан турл хилдаги дори-дармонлар билан биргаликда бир мартаба ишлатиладиган шприцлар ва

атир-упа маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Келгусида уларнинг ҳажми олти марта оширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, ишчилар сони

400 нафарга етказилади. Суратларда: дори тайёрлаш цехида.

Т.НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Маълумки, нақд пул эмиссиясининг ўсиши инфляциясини юзага келтиради. Бу эса ўз навбатида миллий валютанинг қадрсизланишига олиб келади. Шу боис мустақиллик йилларида ҳуқуқий томонидан нақд пул эмиссиясини қисқартириш бўйича кўп иш қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ҳамда «Нақд пул эмиссияси миқдорини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари фикримизнинг далилидир.

Албатта, ушбу муҳим ҳужжатларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши тижорат банкларининг саёй-ҳаракатларига бевосита боғлиқ. Шундай экан, уларнинг бу борадаги ишлари қай аҳволда? Биз ана шу саволга жавоб топиш мақсадида «Пахта Банк»нинг Қашқадарё вилояти бошқармасида бўлди. Бошқарманинг нақд пул эмиссиясини қисқартириш бўйича қилаётган ишлари билан яқиндан танишидик.

Маълум бўлишича, бошқарманинг туман бўлимида нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мониторинг ўрнатилган. Унинг натижалари бўйича ҳар ўн кунда маълумотлар ҳамланади. Пул топишмаган ташкилотлар ҳақидаги маълумотлар пул-кредит сиёсати комиссияси, солиқ инспекцияси ва прокуратурага чора кўриш учун юборилади. Мисол учун бошқарманинг «Помук бўлими мижози» «Помук» фирмаси 10 кунда бор-ўйи банкка 477 минг сўм топширди. У ҳақда материал-

саларига режага нисбатан 2 миллиард 732 миллион 477 минг сўм кўп нақд пул туширилди. Бошқача қилиб айтганда, шу йилнинг 1 апрел ҳолатига эмиссия умумий режаси 40,4 фоиз белгиланган бўлиб, ҳақиқатда бу рақам 25,5 фоизни ташкил этди. Эмиссия даражаси яна 12,9 фоизга қисқарди.

Аҳоли бўш пул маблағ-

лион 142 минг сўмни ташкил қилди. Бу борадаги ўсиш 66 миллион 855 минг сўм бўлди.

Ўтган йил давомида бошқармада кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар қилинди. Хусусан, йил давомида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун 2 миллиард сўмдан ортиқ кредит

жози Саодат Санакулова эса 600 минг кредит олиб, 50 бош қўй сотиб олди. У ҳам 1 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот сотиб, 470 минг сўм фойда кўрган.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 14 майда рўйхатдан ўтган «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари иштирокини рағбатлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорга кўра банкнинг имтиёзли кредитlash жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғармада 2001 йил 1 январ ҳолатига 218 миллион 400 минг сўм миқдорда маблағ шакллантирилди. Шундан 217 миллион сўмдан кўпроғи кичик ва ўрта бизнес субъектларига имтиёзли кредит сифатида ажратилди.

Хуллас, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш бир томондан ишлаб чиқаришни ривожлантириб, янги-янги иш ўринлари яратишига олиб келаятган бўлса, иккинчидан вилоятда нақд пул эмиссиясининг қисқаришига хизмат қилмоқда. Чунки тадбиркорнинг ишлаб чиқариш қуввати ошса, банкка нақд пул топиши имконияти ортади.

Ғуллом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

НАҚД ПУЛ ЭМИССИЯСИ у қайси омиллар ҳисобига қисқартирилди?

си 112 фоизга бажарилди. Ана шундай чора кўриш натижаси ўлароқ юқоридаги бўлим мижози «Истиклол» савдо дўкони касса режасини 110 фоизга, Шахрисабз туманидаги «Фарангиз-м» фирмаси 138 фоизга, «Чорбоғ» фирмаси 149 фоизга адо этди.

Умуман олганда, бошқарма бўйича ўтган йили касса айланмаларининг кириш қисми 17 миллиард 485 миллион 299 минг сўмга режалаштирилган эди. Ҳақиқатда эса банкка 23 миллиард 626 миллион 818 минг сўм кириш қилинди. Ёки касса режаси 135,1 фоизга ошириб бажарилди. Эмиссия даражасини режага нисбатан 6 фоизга қисқартиришга эришилди.

Шу йилнинг биринчи чорагида бундан ҳам юқори натижаларга эришилди. Яъни банк кас-

ларини омонатларга жалб қилиш ҳам бошқармада нақд пул эмиссиясини қисқаришига хизмат қилмоқда. Шу боис омонатчиларга юқори даражали банк хизмати кўрсатиш борасида бир қанча ижобий натижаларга эришилди. Масалан, «Пахта Банк» тизимида мавжуд омонат турлари, фозс ставкалари, қанча миқдорда маблағ қўйиш мумкинлиги тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётган бўлишича, бошқарма томонидан вилоят телевидениясида эълонлар берилди. Ушбу саёй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мисол учун, 2002 йилнинг 1 январ ҳолатига бошқармада аҳолидан жалб қилинган омонат миқдори 620 миллион 287 минг сўм бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1 апрелга келиб 687 мил-

лион 855 миллион сўмга яқини банкнинг ўз маблағи ҳисобига амалга оширилди. Бунинг натижасида вилоятдаги кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўз фаолиятларини яхшилаб олдилар ва 2127 та қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Масалан, Шахрисабз туманида истиқомат қиладиган якка тартибдаги тадбиркор Сиромов Нурмахматов ўтган йили банкдан 1 миллион 600 минг сўм қарз олди. Натижада у ўз фаолияти давомида 2 миллион 134 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 287 минг сўм соф фойда олишга эришди. Ҳозирги кунда у банкнинг Шахрисабз бўлими томонидан ажратилган кредит ва унга ҳисобланган устама фозисларни қайтарди. Банкнинг Косон бўлими ми-

ГРАНТЛАР АЖРАТИЛАДИ

АҚШнинг савдо ва тараққиёт агентлиги (СТА) Ўзбекистонда темир йўл, ахборот технологиялари ва сув захиралари, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес соҳалари бўйича турли лойиҳаларни амалга ошириш учун салкам 25 миллион доллар миқдорда етти та грант ажратишга қарор қилди. Бу ҳақда АҚШ элчихонаси ахборот марказида «Туркистон-пресс»га маълум қилинди.

Грантлар агентлиги ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида тижорат ва иқтисодий муносабатларни кенгайтириш мақсадида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган, олти ойдан кейин берилди. Грантларнинг ажратилиши тасдиқловчи ўзаро ағлашу меморандуми АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасида мазкур агентлик директори Телма Ж Аски ва Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Фаниев томонидан имзоланди.


Грантлар темир йўл транспорти, ахборот технологиялари ва сув захиралари соҳаларини, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ривожига қўмақлашувчи лойиҳаларни қамраб олади. Ҳозирги пайтда СТА маълумоти ўйитилган ишлаб чиқариш ва энергетика соҳаларида янги лойиҳаларни ҳам кўриб чиқаётир.

Бугунги битим икки мамлакат ўртасидаги савдо муносабатларини такомиллаштириш ва Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсишига имкон берадиган инфратузилмалар соҳасида муҳим лойиҳаларни ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш истадида эканлигини исботлаб турибди, -деди Телма Ж. Аски. -Ўзбекистон террорчиликка қарши курашишида яқин иттифокчимиз ҳисобланади. Мақсадимиз, иқтисодий соҳада икки томонлама муносабатларни кенгайтиришдан иборатдир.

«Туркистон-пресс»

ГАЛДАГИ РЕЖА МАЪКУЛЛАНАДИМИ?

Яқинда ҳукмрон Ликуд партияси мустақил Фаластин давлатининг эълон қилинишини тан олмасликка қақирган эди. Бирок, партия раҳнамоси, Исроил бош вазири Ариел Шаронга бу ғоя унчалик мақбул бўлмади. Шундан сўнг ҳукумат таркибига кирувчи Меҳнат партияси аъзолари ҳам ўз режаларини олға сура бошладилар. Унинг раҳбари, мудофиа вазири Биньямин бин-Элиэзер Яқин Шарк муаммосини ҳал этиш бўйича ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Унинг фикрларида оқилона мазмун борга ўхшаб турибди. Вазирнинг айтишича, мустақил Фаластин давлати Урдун дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо минтақасида вужудга келтирилиши керак. Сўнгра ғарбий Ал-Қуддус ва унинг атрофидаги яхудийлар қўрғонлари жаҳон эътироф этган Исроил давлатининг пойтахтини вужуд-



САЙЁРАМИЗ САДОСИ

га келтириши лозим. Шарқий Ал-Қуддус эса фаластинликлар назоратига ўтади. Уч дин — христиан, ислом ва иудаизм қадриятларини ўз ичига олган қўна Ал-Қуддус халқаро мақом касб этиши керак. У Исроил, Фаластин, БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳамда араб давлатлари вакиллари томонидан бошқарилади. Муаллиф ўз режасини партия съездида тақдим этмоқчи. Унда режа маъқулланса, ҳукуматга ҳавола этилади. Қўшма ҳукумат уни рад этса, унда Меҳнат партияси ҳукумат таркибидан чиқади. Бу ҳолда навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказиш бир қадар аниқ бўлиб қолади. ЎРМОНЛАРГА ЎТ КЕТДИ Россия Федерациясининг шарқий худудларидаги кўпгина ўрмон

майдонлари айни кунларда катта ёнғин оғушида қолмоқда. Узок Шарк, Камчатка, Хабаровск ўлкаси, Сахалин каби минтақаларда, айниқса, табиғ офат авжига чиқмоқда. Биргина Приморск ўлкасида сўнгги кезларда 30 минг гектар кедрзорлар маҳв бўлди. Тувада эса ёнғунчи ўрмонлар 6 минг гектар майдонни ташкил этди. Бир зум ҳам тинмаётган кучли шамоллар аланчаларнинг жунбушга келишига ёрдам бермоқда. Мухтасисларнинг фикрига қараганда, камда 200 минг гектар ўрмонзор ёниб қол бўлди. Энг ёмони тинч аҳоли ўртасида қурбонлар ҳам учраб турибди. ТАХТДА 50 ЙИЛ Сўнгги кунлар ичида Англия пойтахти Лондон ҳамда бошқа ўнлаб шаҳарларда катта тантана-

лар авжига чиқди. Шу тариха Буюк Британия қироличаси Елизавета IIнинг тахтга ўтиришига 50 йил тўлиши байрам сифатида нишонланди. Қироличанин ўзи аъёнлари кузатувида «Олтин арава»га миниб, кўпгина жойларни зиёрат қилди.ГУЛЛАР БАЙРАМИ Жаҳонда ягона ҳисобланган «Гуллар байрами» фақат Англия пойтахти Лондондагина ўтказилади. Шу кеча-кундузда гуллар аро сайру саёхатлар махсус очилган кўрғазмада давом этмоқда. У бир неча кун давом этади. Мухлисларнинг гапларига қараганда, ушбу тантаналарда 17 мингдан зиёд одам қатнашади. ЖАНГАРИЛАР МАНЗИЛИ ТОПИЛДИ Догистонда бир гуруҳ кимсалар террорчиликка дахлдорликка гу-

мон қилиниб, ҳибсга олинди. Таҳминлар тўғри чиқди. Суриштирувлар давомида улар чиндан ҳам террорчи ташкилотларнинг аъзолари эканлиги маълум бўлди. Қўлга тушган йигитлар жангарилар тайёрланганидан махсус манзилни кўрсатишга мажбур бўлдилар. Хасавюрт яқинидаги хуфья жойлардан эса турли хил қурол-аслаҳалар топилди, шунингдек, топилаётган орасидаги Чеченестоннинг махфий хариталари кўпчилик эътиборини тортди. Мазкур тўданинг қолган аъзоларини қидириш давом этмоқда. Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

(ЎЗА).



ЭА НЕТИБ ТОПРАЙ МЕНИКИМ..

Гулшани икболи хори меҳнатига арзimas, Бодаи гулгун хумори нақбатига арзimas. Лоларухлар васлида юз йил киши қилса нашоТ, Бир замонлиг билки доғи фуқратига арзimas. Бахру кон нақдин агар йиғдинг, вале етгач ажал Барчани солиб кетаринг шиддатига арзimas. Хар неча терсанг йигитлиқнинг баҳори гулларин Бир хазони шайбу охи ҳасратига арзimas. Тахти иззат узра насб этса бировни даври чарх, Азл кўйининг губори зиллатига арзimas. Хар неча давлат саҳоби соҳса гавхар бошинга Англаким, бир қатла барқи офатига арзimas. Хирқам олиб раҳн, дурди дард бер, эй майфуруш, Гар харобот аҳли софи ишратига арзimas. Хар замон ёре кетар, жонимни олғил, эй ажал Ким ҳаёт аҳоби дарди фуқратига арзimas.

да қисмлаштирилади ва «гулшани иқбол» билан «хори меҳнат»нинг, нашоТ (шодлиқ, хурсандчилик) билан нақбат (хорлиқ, машаққат)нинг нисбати очиб борилади. Лоларухлар васлида юз йил киши қилса нашоТ, Бир замонлиг билки доғи фуқратига арзimas. Улуғ шоирнинг эътирофига кўра, агар киши ўз кўнглига маъкул гул юзли ёрлар висолида юз йил хурсандчилик қилса ҳам, шунча хурсандчилик улардан айрилгач етадиган бир лаҳзалик айрилиқ доғига арзимаЙди. Инсоннинг юз йил фақат хурсандчиликда яшаш мумкин бўлмаган ҳолат, аммо, шоир, муболага йўли билан ўз йиллик хурсандчиликни арзimas, бир фуқратлик фуқрат (айрилиқдаги қалб ўртанмиши) билан муқояса қилади ва устунликда охириги аввалгисидан кўп афзун эканлиги фойдасига ҳужм чикаради. Улуғ мутафаккир муболага йўсинида да-

ҳақида кетиши мумкин. Хар неча давлат саҳоби соҳса гавхар бошинга, Англаким, бир қатла барқи офатига арзimas. Яъни, «Давлат булути хар қанча боштиндан гавхар ёмғирларини сочмасин, ушбу гавхарларнинг бари офат чакмоғидан етадиган бир марталик балога арзимаЙди». Байтга давлатдорлик, юрт сўрашдан келадиган манфаат билан ундан етиши мумкин бўлган офат ёнма-ён эканлиги ҳақидаги фикр усталик билан сингдирилган. Навоий қаноатича, давлатдорликдан келадиган фойда ундан етадиган зарарга тенг эмас. «Илк девон»да «эй майфуруш» ўрнига «эй пири дайр» шаклида хитоб қилинган. «Майфуруш» пири дайрнинг рамзий номи, пири дайр дунё гапларидан юқори кўтарилса олган, ўзини дунёдан, дунёни ўзидан ҳалос этган, рухий-маънавий камолотнинг олий мақомларини забт этган, дунёнинг ўткинчи воқеа ва ҳодисалари таъсиридан даҳлсиз ўз «мен»идан кечиб ундан батамом узилган ЭРКИН ШАХС образидир. Навоийнинг лирик қаҳрамони худди шундай шахсга мурожаат қилиб ундан мадад истаЙди, дардига даво бўладиган харобот аҳли майининг дурди-қуйқасини беришини сўрайди. Аммо унинг май қуйқаси эвазига берадиган эски хирқасидан бўлак ҳеч вақоси йўқ. Унинг аслида бутун бор нарраси ҳам шу хирқадан иборат. У ушбу хирқаси - бор-йўқ барча наррасини гаровга кўйиб бўлса-да харобот аҳли софи майи хумининг тагига чўкиб қолган куйқа лойинг бир чимдимига талабгорлик қилади. Ушбу ҳаракати билан ўзини аҳли харобот сафида кўришни орзу қилади, хирқани май қуйқасига алмашгач, ўзи ҳам уларнинг сафидан жой олиши мумкинлигига ишонади. Натихада эса дунё ва унинг гапларидан бир йўла қутилади, чунки дунё ва унинг гаплари харобот аҳлининг софи ишратига арзимаЙди. Ушбу байтдаги «арзimas» сўзининг маъносини унинг юқоридаги байтлардаги маъносидан фарқ қилади. Ушбу сўзнинг маънувида байтдаги маъноси лирик қаҳрамон манфаатларига зид эмас, балки уларга хизмат қилади.

«ДАРДИ ФУҚРАТИГА АРЗИМАС...»



вом этиб, лирик қаҳрамони орқали ўзига, ўзи орқали эса барча инсонларга мурожаат этиб: «Оламдаги барча денгизу уммонлардаги инжу, дур ва гавхарларни, ер юзидеги конларнинг олтину қумушларини кўлинг остида жамлаганинг тақдирда ҳам, ажалинг етгач барчани ўз олдига солиб кетадиган ўлимнинг шиддати олдида улар сенга нафъ етказолмаЙди», - дейди. Мутафаккиринг фалсафий нигоҳи бунда фақат ўз ҳаёти ёки уни ўраб турган турмушга эмас, балки умуман тириклик, мавжудлик отлик мавхумга қаратилгандир. У ҳаёт исми борлиқнинг гайритаълиги, телба-тескари яратилганлигидан баҳс юритади, нима учун йигитлиқнинг зиддига қариллиқнинг, гулнинг зиддига ҳазоннинг, ҳаётнинг зиддига ўлимнинг яратилганлигини тушуна, қабул қила олмаЙди. Агар гулгун бода хуморида уни бодадан маҳрум этганларни, лоларухлардан ажралиб қоллишида ағёр, ганим ёки ўша лоларухларнинг ўзини айблас, кейинги байтдаги иззат тахтидан азл кўйига тушиб қолишида чархнинг ўзгарувчанлигини вақ қилиб кўрсатиш мумкин бўлса, муқаррар ажалнинг ҳаётни барбод этишида, йигитлик гулнинг қариллиқ ҳазони остида йўқ бўлишида кимни айбламоқ лозим, кимдан арзу дод қилиш мумкин? Инсон мавжудлигининг ушбу тазодий характерида, моҳиятида инсон ҳаётининг муқаррар фожией моҳиятида унинг ўзи айбдор эмас-ку! Бунда гап фақат тириклик деган мавхумни ушбу қарама-қаршилиқ ва фожией моҳият ила БОР ЭТГАН, ЯРАТГАН



Паспорт режимига амал қилиш хар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Бу ишларни назорати эса ички ишлар бошқармалари паспорт бўлимлари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу борада Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими паспорт бўлини маси томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Суратда: милиция майори Тошпўлат Ғоюпов бўлинима ходими, милиция капитани Баҳодир Рашидов билан галдаги вазибалар хусусида суҳбатлашмоқда. Ш.АКРАМОВ олган сурат.

Лўнда тушунча беринг Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: умумий касаллик бўйича II гуруҳ ногирониман. Пенсияга чиққандан кейин ҳам ишни давом эттираяпман. Ойлик иш ҳақимдан хар ойда хар хил ушлаб қолиаяпти. Айтингчи, иш ҳақидан қайси ҳолларда ушлаб қолинади, қандай имтиёзлар бор?

Шамил АЙИТМУРАТОВ, Нукус шахри.

ЖАВОБ: Меҳнат кодексининг 164-моддасида меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш тартиби кўрсатилган. Бунда умумий тартибга кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин. Ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан қуйидаги ҳолларда ушлаб қолинади: 1) ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун; 2) суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун; 3) хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойга ишга ўтганига муносабати билан иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, берилган ҳамда сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ундириш олдидан, ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган миқдорини қайтаринг қилиш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бош-

ган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд қорхона тугатилган ҳолларда, шунингдек, ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи тўғри келмаслиги ҳолатига кўра бажараётган ишга нолойиқ бўлиб қолганда, ходим ҳарбий ёки муқоабил хизматга қақирилган тақдирда, ходим бажариб турган ишни илгари шу вазифада ишлаб келган шахс ўз ўрнига тикланган тақдирда, ходим ўқишга кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда таътилнинг ишланмаган кунларига тўланган ҳақ ушлаб қолинмаЙди; 5) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплашда агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса ушлаб қолинади; 6) ушбу МКнинг 181-моддаси биринчи қисми 2-банди, яъни ходимдан меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи интизомий жазо чораси сифатида ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ёки қирқ фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундириши мумкин.



Иш ҳақини хар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган иш ҳақи миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллиқ фоизидан ортиб кетмаслиги лозим. Умумий касаллик бўйича II-гуруҳ ногиронлари қонунда белгиланган қуйидаги имтиёзларга эгадирлар: — даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловида озод этиш; — икки йилда бир мартаба бепул сиҳатгоҳ йўланмасини олиш; — тиббий хулосага асосан протезор-тапедия буюмларини, эшитиш аппаратларини ва ногиронлар аравачасини бепул олиш; — даромад солиғи тўлашдан озод этилади (энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорда); — мол-мулк ва ер солиқларидан озод этилади. Юқорида санаб ўтилган имтиёзларга кўра Сиз ишлаётган бўлсангиз ойлик маошини даромад солиғи тўлашдан энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт бараварига оқод этиласиз. Хозирги кунда энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори 3430 сўмни ташкил этади.

ЁРҚИШЛОҚДА СЕМИНАР

Жалолқудук туманидаги Ёрқишлоқ маскани табиатининг гўзал гушаларидан бири. Бу ерда яқинда жорий йил мавсумида болалар дам олишини намунали ташкил этишга бағишланган икки кунлик ўқув семинари ўтказилди. Анжуман Андижон вилояти касаса уюшмалари ташаббуси билан уюштирилди. Кенгаш раиси Қ.Парпиев болаларни ёзги хордигини ташкил этишда касаса уюшмалари олдига турган вазифалар ҳақида гапирди. Таълим-тарбия жараёни ташкил этиш ва болаларни мустақиллик мафкураси руҳида тарбиялаш, спорт-соғломлаштириш ишларини янада жонлантириш, молия-хўжалик ишлари, болаликни ижтимоий химоялаш масалалари муҳокама этилди. Ан-

дижон шаҳар 31-сонли ўрта мактаб ўқитувчиси Т.Усмонова, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бош педиатри М.Қурбонова, ҳуқуқшунос Ф.Носиров, кенгашнинг маданый-маърифий ва спорт ишлари бўйича бўлим мудирини Қ.Ризаевнинг ахборотлари тингланди.

К.БОЙМУРОДОВА, «Ишонч» муҳбири.

Хоразм вилояти ҳокимлиги ва касаса уюшмалари Кенгаши ўртасида 2002 йил учун ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича келишувда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан меҳнатга лаёқатли аҳолини, биринчи навбатда ёшларни, аёлларни иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўлинишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича Қўшқўпир туман пахта тозалаш тажриба-экспериментал ҳиссадорлик жамиятида аниқ режалар ишлаб чиқилди. Хозирга қадар қорхонада 20459 тонна хомаш қайта ишланган, пахта толаси Швеция, Сингапур, Россия каби хорижий мамлакатларга етказиб берилди. Ишлаб чиқарилган ялли маҳсулот ҳажми 2 миллиард 733 миллион сўмдан ошиб кетди. Тармоқда жами 23 миллион сўм соф фойда олинди. Қорхонада 430 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим ишлайди. Уларнинг бир қисми таъмирлаш юмушларида қатнашади, қолганлари-чи? Хиссадорлик жамияти раиси Муҳаммад Собиров, бош муҳандис Қўзибой Ғойипов, касаса уюшма кўмитаси раиси Қурбонбой ноатсоттиш» уюшмаси ва жун ишлаб чиқариш маркази мутахассислари билан таъмирлаш тадбирлари

иш билан банд. Ёрдამчи хўжаликка иختисослашган ёрдამчи хўжалик ишлаб турибди. Завод ошунчасига гушт, суг, сабза-вод-полиз маҳсулотлари, мева-чева етказиб бериляпти. 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан жомаода узок йиллар самарали меҳнат қилиб, нафақага чиқиб кетган 75-80 ёшли кексаларнинг хар бирига 10 минг сўмдан пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар берилди. Шоҳида Олтиева раҳ-

Яхши шароит — унумли меҳнат

Барлик қилаётган тикувчилик цехида иш қиймлари, тележаларнинг устига ёндашган чодирлар, теримчи-лар учун этаклар тайёрланмоқда. Гилам тўкиш, тегирмон, новвойихона, макарон цех-

сир кўрсатяпти. Завод цехлари озода, саранжом-саришта. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига қатъий амал қилинади. Янги мавсум олдида ходимлар қайта ўқитилади. Илгор ишчилар, хусусан, слесар Озод Тожиёв, тола ажратувчилар Бектурди Рақимов, Қаҳрамон Ибрагимов, пресловчи Маҳмуд Худойберганов, токар Қадам Қаримовларнинг фидойилиги туфайли маҳсулот сифати яхшиланиб, меҳнат унумдорлиги ошмоқда. Жомао аъзоларининг иқтисодий фаровонлигини кўтариш, кулай иш ва яшаш шароитларини таъминлаш қорхона маъмурияти ҳамда касаса уюшмасининг доимий эътиборида турибди. Иззат ХИКМАТОВ, Болтабой ЭРНАҚСОВ, «Ишонч» муҳбирлари.

Танлов

Яқинда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компаниясининг мажлислар залида компанияга қарашли қорхона ва ташкилотларда хизмат қилаётган ва 2001 йилда тармоқ бўйича эълон қилинган «Ўз касбининг аълочили» танловида қатнашиб, голиб чиққан темирйўлчилар йиғилишида. Ўзтиборли томони шундаки, бундай ишчиларни улуғловчи эзгу тадбирлар компания раҳбарияти ҳамда тармоқ касаса уюшмалари Марказий кўмитаси ташаббуси билан икки йилдан буюн мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

АЪЛОЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Дарҳақиқат, тармоқ ишчиларининг фаҳрига айланган ва йил давомида ўзларининг фидоқорона меҳнатлари билан обрў-эътибор топан ҳамда танловда голиб чиқиб йил давомида темир йўл транспорти равнақига муносиб ҳисса қўшаётган бу азаматларни хар қанча мактасак оз. Шу кунни бу ерга йиғилган голибларни компания бош менеджер — бош муҳандиси, Ўзбекистон Олий мажлиси депутаты Очилбой Раматов, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт курувчилари касаса уюшмаси Марказий кўмитаси раиси Абдулҳай Абдурахмоновлар қизгин табриқладилар. Байрамона тўс олган анжуманда ўтган йилда «Ўз касбининг аълочили» унвоинига сазовор бўлган 134 ишчи махсус гувоҳнома ҳамда қимматбаҳо мукофотлар тақдим этилди. — Ишчиларнинг, шу жумладан биз аёлларнинг меҳнатига ҳам алоҳида эътибор берилаётганидан голиблар қаторидан жой олдим. Бундан жуда бахтиёрман. Бу бизни келгусида янги-янги меҳнат ютуқларига руҳлантирмоқда, — деди Бухоро электр таъминоти қорхонаси диспетчери Эмма Оштаева. Хуллас, шу кунни бу ерга таширф буюрган голиб темирйўлчиларнинг чехраларида ўз меҳнатлари самарасига кўра эришган муваффақиятлари суруридан шодлик баралла барқ уриб турарди.

Адхам ДАМИНОВ.

**Хонқа туманининг сўлим жойларидан бири бўлган Шовот қанали ёнгирида «Хонқа» сихатгоҳи қурилиши ниҳоясига етмоқда. Республика аҳамиятига эга бу мухташам саломатлик маскани қурилишининг ташаббускори**

**О.ИСМОИЛОВ, Хоразм вилояти касабаси уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари:**  
— Вилотимиз Орол ҳудудида жойлашганлиги боис, ҳар доим ҳукуматимиз диққат-эътиборида. Вазири Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир кўшимча чораларни белгилаш ва таъминлаш тўғрисида»ги қарори фикримиз далилидир. Унда мураккаб экологик шароитда яшайдиган аҳолига яшаш, дам олиш, даволаниш шарт-шароитларини яратиб бериш, уларни имкон қадар ижтимоий муҳофаза қилиш алоҳида таъкидланган эди. Шунга асосланиб ўтган йили кўшимча равишда кўплаб аёл Ташкент, Самарқанд ва республикамизнинг бошқа вилоятларида жойлашган сихатгоҳларда дам олириш ва даволантирилди. Эътиборли томони

шундаки, уларга берилган йўлланмалар, бориш-келиш пуллар бе-пул ташкил қилинди. Аёллар ва болалар асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан, асосан сув тақчиллигига учраган туманлардан танлаб олинди.

«Хонқа» сихатгоҳининг қурилиши ҳам ҳукуматимиз ва касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг гамўрлиги тимсоли бўлмоқда. Айни дамда бу ерда охириги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Сихатгоҳ республика аҳамиятига эга бўлиб, бу ерда йўлланмалар биринчи навбатда қариларга, болалик оналарга, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга берилади. Кейинчалик санаторийнинг яна 125 ўринга эга иккинчи бўлими қурилиши бошлаш режаси мавжуд. «Хонқа» сихатгоҳида юрак ва кон томири касалликлари,

**Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашидир. Мухбири- миз бўлгуси санаторийнинг вилот аҳолиси учур. Қанчалик муҳимлиги ва бу ерда олиб борилаётган ишлар ҳақида мутасадди раҳбарлар билан суҳбатлашди.**

неврологик, ревматологик, гинекологик, тери, ошқозон-ичак, буйрак касалликларини даволашни режалаштирган миз. Шу мақсадда уни энг замонавий, хорижий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаяпмиз. Санаторийда дам олувчилар, даволанувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилади. Улар яшайдиган барча хоналар бир ва икки кишига мўлжалланган. Телеви-

**Касаба уюшма шифо масканларида**




**ХОНҚАДА ЯНГИ СИХАТГОҲ**

зор, музлатгич, гилам ва бошқа жиҳозлар билан безатилган. Бассейн, душ, теннис корти, биллиардхона, кутубхона, клуб, даволаниш хоналари, тренажёр зали, дам олиш ва бошқа хоналар улар ихтиёрида.

сти, Хоразм ирригация қурилиш трести, Туямўйин қурилиш трести, «Урганчсантехгазмонтаж» механизациялашган кўчма жамланмаси, Урганч махсус электромонтаж трести каби ўнлаб ташкилот ишчилари фидокорона ишладилар.

Сихатгоҳ қурилиши ниҳоясига етказишда Н.Самандаров ва Б.Қурбонов, И.Жаббаров, Ш.Қурбонов, П.А.Вёзов, А.Ҳайитов, О.Қаландаров бошлиқ қурувчилар бригадалари самарали меҳнат қилдилар.



Утган йили сихатгоҳ қурилишида 656 миллион сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди. Бу йилнинг 1 майгача бу рақам 260 миллион сўмни ташкил қилди. Унинг тўла ишга тушиши учун яна 574 миллион сўмлик иш бажарилиши керак.

Хуллас, Хоразмда барпо қилинган бу сўлим гўша нафақат вилот, балки Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси учун ҳам катта қулайликлар яратяди.

**Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида ҳар йили аёллар спартакиадасини ўтказиш яхши анъанга айланиб бормоқда.

Куни кеча Академия раҳбарияти, касабаси уюшма бошланғич ташкилоти, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт кафедраси ҳамкорлигида анъанавий IV аёллар спартакиадаси ўтказилди.

Мусобақада иштирок этган юз нафардан ортиқ спортчи қизлар арқон тортиш, шашка, армрестлинг, узунликка сакраш, югуриш, теннис тўпини улоқтириш бўйича беллашдилар. Спортчилар иштироки таърибали ҳакамлар томонидан баҳолаб борилди.

Икки кун давом этган беллашуларда югуриш ва узунликка сакраш бўйича Э.Дуекеева, шашка ва армрестлингда М.Лалиева, теннис тўпини улоқтириш бўйича З.Ориповалар юқори натижаларга эришдилар. Шунингдек, Д.Давлатова, З.Хошимова, Р.Жўрабоева, З.Худойназарова, Л.Мирзалиева, Г.Алимова, М.Мадазимова, Е.Манько, Ш.Давировалар ҳам совринли ўринларни кўлга киритишди. Арқон тортиш бахсларида Академия ишчи-ходимлари биринчи, Бозор иктисодиёти асослари ва тамойиллари факультети вакиллари иккинчи, Давлат ва жамият қурилиши факультети аъзолари учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Умумий ҳисобда 250 балл тўплаган Бозор иктисодиёти асослари ва тамойиллари факультети қизлари г'олиб чиқишди. Ғолибларга кимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Н.НИШОНОВА.**



**«Пахтакор» жамоаси ташкил қилингандан буйн у футбол мухлислари учун мамлакатнинг бош командаси сифатида эътироф этиб келинади. Герчанд тарих зарваракларида жой олишга улгурган ўнча миллий чемпионатимизда карвонбошилик макони кўпроқ Фарғонанинг «Нефтчи» клубига насиб этган бўлса-да, «Пахтакор»га нисбатан алоҳида меҳр-муҳаббат мухлислар кўнглини ҳеч қачон тарк этган эмас.**

2002 йил пойтахт жамоаси учун фавқлодда муваффақиятли бошланди. Тўққиз ўйинда — тўққиз ғалаба! Тўплар нисбати эса 31-1. Бизнинг футболимизда хали бунақаси бўлмаган. Кўз тегмасин, шу кетимизда «Пахтакор» кўп йилларга татигулик ўзига хос рекорд ўрнатса ҳам ажабланмаймиз. Терма жамоа ўзагини ташкил этган футболчилардан иборат клуб намойиш қилаётган ўйин ишқибозлар юрагига ишонч уруғларини солаётгани ҳам аслида шу боис.

**ҲАКАМ НАСЪУЛИЯТИ**

Лоақал, охириги турда Зайниддин Тожиев томонидан «Андижон» жамоаси дарвозасига киритилган бешинчи тўпни кўз олдимизга келтириб, хорижлик профессорлар ижросидаги голлар билан қийслайлик-а! Қойил қолмай, тасаннолар томонидан қай даражада айтмай иложимиз йўқ. Дарвоқе, у Славакя терма жа-

моаси дарвозасини ҳам беш ўйиничини ортда қолдирган ҳолда ишғол этган эди. Демак, юртимизда порлоқ бир юлдуз чакнаб чиқмоқда. Бу фикрларни Леонид Кошелев, Александр Гейнрих ва яна бир қатор футболчиларга нисбатан ҳам бемалол кўласа бўлади.

Лекин, дилимизга ғашлик солаётган бир муаммо борки, чамаси, бу ҳақда ортиқ сукут сақлаш мумкин эмас. Гап у ёки бу ўйин ҳакамлар томонидан қай даражада бошқарилаётгани ҳақида-дир.

Сир эмас, баъзида кўнглини хира тортирувчи «хизмат» ҳам кўрсатилмади, оқибатда нафақат футболчиларнинг хатти-ҳаракати, балки таблодаги ҳисоб ҳам «ўзгариб» қолади. Бу икки жамоа ўртасида муайян тушунмовчиликларни

Биз бежизга З.Тожиев, Л.Кошелев, А.Гейнрих номларини тилга олмадик. Бундай ўйинчилар бошқа жамоаларда ҳам талай. Ҳакамлар зиммасига нафақат урарушунини холис бошқариш, шунингдек, маҳоратли футболчил-

бирданига қутилиш қийин. Гоҳи айнан шу хол панд бериши, мухлислар ва мутасассислар наздида тушунмовчиликка сабаб бўлиши мумкин.

Коса тагида ним коса қабиллидаги бу сўзларни беҳудуга гапирётганимиз йўқ. Билиб-билмай ёхуд бевосита ва билвосита ён босиш ҳеч бир жамоага наф келтирмайди. Тўғрироғи, бу «ёрдам» вақтинча хол бўлиб, охир оқибат катта йўқотишлар билан якун топади. Лоақал Москванинг «Спартак» клубини эслайлик-а. Жуда кўплаб жамоа мураббийлари ҳакамларнинг «Спартак»ка «қарашиб юбориш»дан нолиб гапирди. Натижа эса маълум. Халқаро урарушларда қаттиққўл ҳакамлар йўриғига юришга мажбур бўлган жамоа кўпинча ўз ўйинини йўқотиб, жиловини қўлдан бериб қўяди.

Мухлислар стадионга ҳалол кечадиган чиройли ва шиддатли ўйинни томоша қилгани тушишади. Футболчилар маҳорати ҳам айнан шундай бахслар асосида қамолга етади. Мақсад аниқ. Яна бир ҳафтадан сўнг Япония ва Жанубий Кореяда бошланган ҳақон чемпионати бизнинг иштирокимиз-

**Мулоҳаза**

сиз ўтказилган сўнгги футбол байрами бўлиб қолсин. Бор, ҳозирликни буғундан бошлаш даркор ва бунда ҳакамларнинг ҳам ўз ўрни бордир.

**З.РИХСИЕВ.**

**10-турдан кейинги вазият**

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	9	9	0	0	31-1	27
2. «Насаф»	10	6	2	2	18-8	20
3. «Қизилқум»	10	6	1	3	22-13	19
4. «Самарқанд-Д»	10	5	3	2	13-9	18
5. «Бухоро»	10	5	2	3	14-18	17
6. «Металлург»	10	4	3	3	11-13	15
7. «Навбахор»	10	4	2	4	17-15	14
8. «Нефтчи»	10	4	2	4	13-11	14
9. «Сўғдиёна»	10	3	3	4	12-13	12
10. «Дўстлик»	10	4	0	6	10-18	12
11. «Зарафшон»	9	3	2	4	10-14	11
12. «Қўқон-1912»	10	3	2	5	8-8	11
13. «Трактор»	10	2	3	5	10-14	9
14. «Андижон»	10	2	2	6	9-20	8
15. «Сурхон»	10	2	2	6	8-19	8
16. «Машъал»	10	2	1	7	8-22	7

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маший хизмат ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси Ўзбекистон Республикаси ёнгира қарши кураш жамиятининг раиси З.Арифбоевга акаси

**Сафар АРИФБОЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

**ISHONCH**

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Таҳрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жорья Алимўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.00

Махсуслаш: 700165, Ташкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида теришти ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.